

ТДЮУ Кенгашининг 2019 йил
29 мартағи 5-сон қарори билан
тасдиқланган

Олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш курслари тингловчилари томонидан битирув ишини тайёрлаш, ҳимояга тақдим этиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 июнданги «Тошкент давлат юридик университети хузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 453-сон қарорига асосан Олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш курслари (кейинги ўринларда қайта тайёрлаш курслари деб юритилади) тингловчилари томонидан битирув ишларини тайёрлаш, ҳимояга тақдим этиш ва баҳолаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Битирув иши қайта тайёрлаш курслари ўқув дастурларини ўзлаштириш жараёнида Олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш курслари тингловчилари (кейинги ўринларда тингловчи деб юритилади) эгаллаган билимлари асосида муайян бир хукуқ соҳасидаги илмий-амалий муаммони мустақил равища, назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган ўқув жараёнининг якуний босқичи ҳисобланади.

2. Қайта тайёрлаш курслари тингловчилари томонидан битирув ишини тайёрлаш, ҳимояга тақдим этиш ва баҳолашнинг мақсади бўлиб тингловчиларда таҳлилий фикрлаш, янги билим ва кўникмаларни мустақил равища эгаллаш ҳамда улардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш ҳисобланади.

3. Битирув ишини тайёрлаш, ҳимояга тақдим этиш ва баҳолашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

tinglovchilarda tadkiqot mavzusi doirasida muammlarни aniklash kounikmalarinini shakllanтириш;

aniklangan mavzuz doirasida tegishli normativ-xukujiy xujjatlar, ilmий-amaliy maqolalar, sud-tergov amaliyoti materiallari, statistik maъlumotlar va boşqa materiallar bilan tizimli ishlash kounikmalarinini rivojlanтиriш;

tinglovchilar tomonidan xukujni qyllash amaliyeteni taхnil қiliш;

tinglovchilarning mustaқil tadkiqot bilan shugullaniш kounikmalarinini rivojlanтиriш va metodik jihatdan yonalтиriш;

tadkiqot maqсадини amalga oshiriш учун belgilangan usulblarни tўғри татбиқ этиш;

тадқиқот иши ва унинг хуросаларини мантиқий кетма-кетлик ва юридик-лингвистик қоидалар асосида тўғри расмийлаштириш қўникмаларини ривожлантириши.

4. Тингловчилар Битирув ишини курс якунида ёзма шаклда тайёрлайди.
5. Қайта тайёрлаш курслари тингловчилари томонидан Битирув ишини ҳимоя қилиш Давлат аттестация комиссиясида амалга оширилади.

2-боб. Битирув ишини тайёрлаш ва унинг мазмунига қўйиладиган талаблар

6. Битирув иши ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳуқуқий таҳлил қилишга, назарий билимлар ва амалий қўникмаларини, ҳуқуқий манбалар билан ишлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш ва қўллаш қўникмаларини мустаҳкамлашга ва кенгайтиришга қаратилган бўлиши лозим.

7. Тингловчи Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиши маркази (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади) директори томонидан тасдиқланадиган битирув иши мавзулари рўйхатида кўрсатилган мавзулардан бирини танлайди.

8. Тингловчи томонидан танланган мавзудан келиб чиқиб, унга педагог ходимлар ёки амалиётчи мутахассислар орасидан илмий раҳбар бириклирилади.

Тингловчининг битирув иши мавзууси ва унга бириклирилган илмий раҳбар Марказ директорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

9. Битирув ишининг мазмuni ва белгиланган муддатларда тайёрланишига, шунингдек илмий раҳбар билан келишилган муддатларда ундан конструктив йўналишлар олишга тингловчи шахсан масъул ҳисобланади.

10. Илмий раҳбар:
 - тингловчига битирув ишини тайёрлаш бўйича маслаҳатлар бериб боради;
 - битирув иши режасини тузишда тингловчига кўмаклашади;
 - битирув ишининг ўз вақтида тайёрланиши ҳамда белгиланган талаблар асосида тўғри расмийлаштирилишини назорат қиласи;
 - битирув ишига хуроса беради.

11. Битирув иши қўйидаги таркибий қисмлардан:
 - мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклда титул варак;
 - мундарижа;
 - кириш;
 - асосий қисм;
 - хуроса;
 - фойдаланилган адабиётлар рўйхати;
 - иловалар (мавжуд бўлса) иборат бўлади.

12. Бити्रув ишининг кириш қисми қўйидагиларни:
бити्रув иши мавзусининг долзарблиги ва унинг асосланиши;
бити्रув ишининг объекти ва предмети;
бити्रув ишининг мақсади ва вазифалари;

бити्रув ишини тайёрлашда фойдаланилган адабиётлар ва норматив-хукукий хужжатларнинг қисқача ўзаро таҳлили;

бити्रув ишининг назарий ва амалий аҳамияти;

бити्रув иши тузилмасининг тавсифини ўз ичига олади.

13. Бити्रув ишининг асосий қисми камида икки бобдан иборат бўлиб, боблар ҳажм жиҳатидан ўзаро мутаносиб бўлиши керак.

Асосий қисмида қўйидагилар кўрсатилиши лозим:

бити्रув ишини тайёрлашда фойдаланилган адабиётлар, норматив-хукукий хужжатлар ва илғор хорижий тажрибаларнинг қиёсий таҳлили;

бити्रув ишининг амалий қисми баёни.

14. Бити्रув ишининг хулоса қисмида мавзу бўйича умумлаштирилган хулоса, таклиф ҳамда тавсиялар қисқа ва аниқ кўрсатилади.

15. Бити्रув ишига унинг мазмунини баён этиш учун бевосита зарур бўлган, мавзуга доир қўшимча маълумотларни ўз ичига олган материаллар илова қилиниши мумкин.

16. Бити्रув иши тингловчи томонидан мустақил равишда тайёрланиб, муаллифликни ўзлаштириш (плагиат)га йўл қўйилмайди. Бити्रув ишида қоғоз ёки электрон кўринишда нашр қилинган ўзга матндан олинган манбаага ҳеч қандай ҳавола қилмаган ҳолда ишлатиш ёки олинган манбага ҳавола қилинган бўлсада, лекин ўзлаштиришларнинг ҳажми ва характеристири тингловчининг ишни ёки унинг аксарият қисмини мустақил ёзилганлигига шубҳа уйғотадиган даражада ўзлаштирилган бўлса плагиат деб топилади. Бундай вазиятда тингловчининг бити्रув иши 0 балл билан баҳоланади.

17. Тадқиқот ишида фойдаланилган илмий-амалий мақолалар, норматив-хукукий хужжатлар, статистик маълумотлар, суд қарорлари ва бошқа амалиёт материаллари, хорижий тиллардаги адабиётлар таҳлили тўлиқ, шунингдек уларда билдирилган фикрлар юзасидан тингловчининг танқидий ёндашуви мавжуд бўиши, хулосада илгари сурилган тавсиялар эса бити्रув ишининг асосий қисми билан узвий боғлиқ бўлиши лозим.

3-боб. Бити्रув ишини расмийлаштириш ва ҳимояга тақдим этиш

18. Бити्रув ишининг матни 40 саҳифадан кам бўлмаслиги тавсия этилади. Бунда фойдаланилган адабиётлар ва иловалар бити्रув ишининг умумий ҳажмига кирмайди.

19. Бити्रув иши тингловчи томонидан компьютерда Microsoft Word дастурини қўллаган ҳолда, «Times New Roman» 14 шрифтда, 1,5 қаторлараро интервалда тайёрланиши ва А4 форматдаги оқ қоғозда бир томонлама принтердан чиқарилган бўлиши керак.

Сахифа ўлчами китоб шаклида, юқори ва пастки майдони – 2 см, ўнг тараф – 1,5 см, чап тараф – 3 см ни ташкил этиши керак.

20. Битириув ишининг бетлари изчил кетма-кетликда рақамланиши лозим, бунда иловалар алоҳида рақамланади.

Бетнинг тартиб рақами варакнинг пастки ўнг бурчагида 2 рақамидан бошлаб ёзилади. Биринчи бетида 1 рақами қўйилмайди.

Хатбоши беш-олти белгига teng ва бир хилда бўлиши лозим.

21. Битириув иши тингловчининг танлови бўйича ўзбек, рус ёки инглиз тилларидан бирида тайёрланади.

22. Давлат аттестация комиссияси ўтказилишидан, қоида тариқасида, икки ҳафта олдин Марказ директорининг буйруғи билан тинговчилар томонидан битириув ишини ҳимоя қилиш бўйича дастлабки ҳимояни ўтказувчи, таркиби Марказ ходимлари ва тингловчининг илмий раҳбарларидан иборат бўлган комиссия тузилади. Комиссия фаолиятига Марказ директори раҳбарлик қиласди.

23. Тингловчи дастлабки ҳимояда тайёрлаган тўлиқ ҳолатдаги тадқиқот иши билан иштирок этиши шарт.

Дастлабки ҳимояда комиссия тингловчининг битириув иши бўйича тайёргарлигини текширади, камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар беради.

Дастлабки ҳимояда иштирок этмаган ёки тайёргарлиги қониқарсиз деб топилган тингловчига Давлат аттестация комиссиясида битириув ишини ҳимоя қилишга рухсат этилмаслиги мумкин.

24. Битириув иши тингловчи томонидан 1 нусхада тайёрланиб, Давлат аттестация комиссияси ўтказилишидан камида 1 ҳафта олдин илмий раҳбар хulosаси ва электрон варианти (CD дискда) билан бирга Марказнинг Ўқув бўлимiga топширилади.

Ўз вақтида топширмаган тингловчилардан битириув иши фақат Марказ директорининг рухсати билан қабул қилиниши мумкин.

Тингловчиларнинг битириув ишлари Марказ Ўқув бўлими томонидан Давлат аттестация комиссиясига ҳимоя учун тақдим этилади.

4-боб. Битирув ишини Давлат аттестация комиссиясида ҳимоя қилиш ва баҳолаш тартиби

25. Тингловчиларнинг битирув ишини ҳимоя қилиш шаклидаги Давлат аттестациясини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг буйруғи билан Давлат аттестация комиссияси тузилади.

26. Давлат аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш Марказ директори томонидан тасдиқланган жадвал асосида ўтказилади.

27. Битирув иши ҳимояси Давлат аттестация комиссиясининг очиқ мажлисларида ўтказилади ҳамда комиссия аъзоларининг камидан учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

28. Битирув иши ҳимояси оғзаки равишда, иш ёзилган тилда ўтказилади. Ҳимоя жараёни, қоида тариқасида, аудио, фото ва видеоёзувда қайд этилади.

29. Тингловчига битирув ишини ҳимоя қилиш учун 10-15 дақиқа вақт берилади. Ҳимоя жараёнида тингловчига битирув иши бўйича тайёрланган тақдимотни намойиш этиши тавсия этилади.

30. Давлат аттестация комиссияси битирув ишига қўйилган талабларга риоя қилинганини аниқлаш ва баҳолашда мазкур Низомнинг 2-3-бобларида назарда тутилган қоидаларга амал қиласи.

31. Битирув иши Давлат аттестация комиссияси томонидан 100 баллик тизим асосида бутун сонлар билан баҳоланади.

Битирув иши бўйича тўпланган балл белгиланган умумий баллнинг 55 фоизидан ортиқ бўлганда тингловчи қониқарли баҳоланганде деб ҳисобланади.

32. Ҳимоя жараёнида Давлат аттестация комиссиясининг ҳар бир аъзоси бошқа аъзолардан мустақил равишда ҳар бир тингловчига алоҳида балл қўяди. Комиссия котиби томонидан умумлаштирилган ва тингловчига қўйилган якуний балл шу куннинг ўзида тингловчиларга эълон қилинади.

Давлат аттестация комиссиясининг бутун фаолияти ва тингловчиларга қўйилган баллар мажлис баённомаси билан расмийлаштирилади.

33. Давлат аттестацияси якуnlари бўйича қониқарсиз баҳо олган тингловчиларга кейинги қайта тайёрлаш курсида тақроран топширишга имконият берилади.

Тақроран битирув ишини ҳимоя қилишни истаган талабгор кейинги қайта тайёрлаш курси Давлат аттестация комиссияси ўтказилишидан бир ой олдин Марказ директори номига ариза билан мурожаат қиласи. Бундай ҳолатда тақроран топшириш имконияти фақат бир марта берилади.

34. Ҳимоя қилинган битирув иши тингловчига қайтарилмайди ва Марказда бир йил давомида сақланади.

5-боб. Бити्रув иши ҳимояси натижаларини апелляция тартибида кўриб чиқиш

35. Тингловчи битириув иши ҳимояси натижаларидан норози бўлган тақдирда битириув иши бўйича баллари эълон қилингандан сўнг уч кунлик муддатда Марказ директори номига апелляция шикоятини бериши мумкин. Мазкур ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири буйруғи билан апелляция комиссияси тузилади.

36. Апелляция комиссияси аъзоларнинг камидан учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади. Апелляция комиссиясининг қарори оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва мажлисда иштирок этган барча аъзолар томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

37. Апелляция комиссияси битириув иши ҳимоясида тингловчининг берган жавобларини видео тасмаларни кўриш орқали қайта текширувдан ўтказади ва шу куннинг ўзида хulosасини эълон қиласади. Апелляция комиссияси томонидан битириув ишини қайта баҳолашга қаратилган саволлар берилишига йўл қўйилмайди.

38. Тингловчининг аризасини кўриб чиқиш натижаси бўйича апелляция комиссияси қуидаги қарорлардан бирини қабул қиласади:

- кўйилган балларни ўзгаришсиз қолдиради;
- кўйилган балларни ўзгартиради.

Тингловчининг апелляция шикоятини кўришда унинг илгари олган рейтинг баллини пасайтиришга йўл қўйилмайди.

6-боб. Якуний қоидалар

39. Мазкур низомда белгиланган қоидаларнинг қўлланилиши бўйича низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

40. Мазкур Низом Тошкент давлат юридик университети Кенгashi қарори билан тасдиқланган.

Олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик
мутахассисликка қайта тайёрлаш курслари
тингловчилари томонидан битирув ишини
тайёрлаш, ҳимояга тақдим этиш ва баҳолаш
тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ЮРИДИК КАДРЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР БЎЙИЧА
ПРОФЕССИОНАЛ ЎҚИТИШ МАРКАЗИ**

**ОЛИЙ МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ЮРИДИК
МУТАХАССИСЛИККА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ КУРСЛАРИ**

НИНГ

(Тингловчининг Ф.И.Ш.)

мавзусида ёзган

БИТИРУВ ИШИ

Илмий раҳбар:

(Илмий раҳбарнинг Ф.И.Ш., лавозими ва унвони)

ТОШКЕНТ – 20__